ТАСДИҚЛАЙМАН
Чимбой тумани ирригация бўлими
бошлиғи
_________________М.Абдуалиев

# ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲУЖЖАТЛАРИ

Чимбай туманидаги Он Абад жап хужалик аралик каналини механикалык казип тозалаш ишлари (ПК0+00 ПО ПК89+00) гача

**Заказчик:** КР Чимбой тумани ирригация бўлими

Чимбай – 2022 г.

## ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

### 1. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Енг яхши таклифларни танглаш предмети: Чимбай тумани булимина карошли Чимбай туманидаги Он Абад жап хужалик аралик каналини механикалык казип тозалаш ишлари (ПК0+00 ПО ПК89+00) гача

Чимбой тумани дустлик гузари р/у

1.2. Енг яхши таклифларни танглаш қиймати 112 145 896 ( Бир юз ун екки миллион бир юз кирик беш минг саккиз юз туксон олти) сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу енг яхши таклифларни танглаш якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк иш куни.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чимбой тумани иригация бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Чимбой тумани Конши МФЙ Достлик гузори р/у

Эл.адрес: chimboytib@minwater.uz

2.2. Енг яхши таклифларни танлаш “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Енг яхши таклифларни танглаш Чимбой тумани ирригация бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Енг яхши таклифларни танглаш мулкчилик шаклидан қатьий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибасига эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Енг яхши таклифларни танглаш иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

енг яхши таклифларни танглаш объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми

(50 фоиздан кам бўлмаган холда);

енг яхши таклифларни танглашда иштирок етиш учун бюртмачи хисобига 3% закалат пули утказиши шарт

**Низом маблағи миқдори.**

3.3. Агар енг яхши таклифларни танглаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасидатурганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНГЛАШ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (http//etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2 Енг яхши таклифларни танглаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи ” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Енг яхши таклифларни танглаш ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши керак

- Техник қисм, “Буюртмачи ” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак

- Нархлар қисм, енг яхши таклифларни танглаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилиши керак.

Енг яхши таклифларни танглаш иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари керак.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади

Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифлар

- Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорт ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади)

4.5 Енг яхши таклифларни танглаш иштирокчиси

- фақат бита таклиф бериши мумкин

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақийқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлдаи

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

4.6 ушбу Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

**5.1** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

5.3 Енг яхши таклифларни танглаш иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларнинг ҳакийқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилаган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси енг яхши таклифларни танглаш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида Енг яхши таклифларни танглашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тўгайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни,хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритилган санадан эътиборан камида ўн кўнга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълон кўрсатилган ахборот ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2 Енг яхши таклифларни танглаш иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларни танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кўндан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Енг яхши таклифларни танглашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига, тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Енг яхши таклифларни танглаш натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилдаи.